



➤ **Видеоконференция**

Буюк келажакни соғлом авлод яратади

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан пойтахтимизда "Фуқаролар репродуктив саломатлигини яхшилаш — мустақкам оила ва соғлом бола парварисининг кафолати" мавзусида видеоконференция ташкил этилди.

3 ➤

Сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчисининг сайловлардаги иштироки

➤ **Эксперт минбари**

Жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга сиёсий партиялар томонидан қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Бу йўналишда партиялар томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Улардан бири сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ва кузатувчиларини танлаш ҳамда уларнинг сайлов жараёнларига тайёргарлигини янада кучайтиришдан иборат.

6-7 ➤

Муваффақиятлар эътибор ва ғамхўрликка яраша бўлмоқда

➤ **Муносабат**

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқларда ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш мени тўқинлантириб юборди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар туфайли жуда қисқа фурсатда биз ёшлар ўз билми ва иқтидоримизни дунё аҳлига кўрсатиш имконига эга бўлдик. Жумладан, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш соҳасидаги тизимли ишлар туфайли сўнгги йилларда мамлакатимиз жаҳоннинг забардаст спорт давлатлари сафига кириб бораётир. Жаҳон ва қитъа чемпионатлари, олимпия ўйинларида Ватанимиз мадҳияси янграмоқда.

6 ➤

Марказий сайлов комиссиясида

2014 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Марказий сайлов комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 21 декабрда ўтказилади.

2 ➤

Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ:

"Ҳеч ким касал бўлмасин"

➤ **Ўзбекистон Қаҳрамонлари**

Тиббиёт соҳасидаги изчил ислохотлар, соҳага янги инновацион технологияларнинг кенг жорий этилаётгани ўз самарасини бермоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узайди, оналар ва болалар ўлими кескин камайди.

Мустақиллик айёми арафасида академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида байрам бўлиб кетди. Ватанимиз мустақиллигини мустақкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш бора-



сида давлат ва халқ олдидаги улкан хизмати, узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси

учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан марказнинг бўлим мудири Зайниддин Низамходжаевга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилди.

8 ➤

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ШХТ САММИТИ ДОИРАСИДА УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

ДУШАНБЕ, 11 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Баҳодир ЭРГАШЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тожикистон пойтахтига келди.

ШХТ олий органининг бу йилги мажлиси Тожикистоннинг ушбу ташкилотга раислиги доирасида ўтказилмоқда. Ислам Каримов саммитга ШХТда кузатувчи мақомидаги мамлакат раҳбари сифатида ташриф буюрган Эрон Ислам Республикаси Президенти Ҳасан Рухоний билан учрашди. Томонлар турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилди, бу алоқаларни, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

Транспорт-коммуникация соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишидир. 2011 йилда Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Умон темир йўл коридорини ишга тушириш бўйича битим имзолангани бунга мисол бўла олади. Таъкидлаш жоизки, трансминтакавий транспорт коридорини очишга қаратилган (иштирокчи мамлакатлар томонидан ўз вақтида илгари сурилган лойиҳа деб баҳоланган) бу ташаббус Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган. Ушбу лойиҳа Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Экспертларнинг фикрича, мазкур лойиҳа иқтисодий жиҳатдан катта салоҳиятга эга. Янги бозорларга чиқишнинг бундай қулай йўли бошқа мамлакатлар, хусусан, Хитой ва Россия учун ҳам манфаатли бўлиши мумкин.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Икки давлат раҳбарлари ўзаро ва

минтакавий масалалар юзасидан, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида фикр алмашдилар.

Тожикистон Президенти ғоят мазмунли суҳбат учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Имомали Раҳмон Ўзбекистоннинг ШХТ фаолияти самардорлиги ва халқро нуфузини оширишга қаратилган амалий ташаббуслари ўз вақтида илгари сурилгани ва улар ҳар томонлама асосли эканини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам музокара ўтказди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик хусусиятига эга. Савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. 2013 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7,1 миллиард АҚШ доллари ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Икки юздан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битим ва шартномалар ҳамкорликнинг мустақкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислам Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотларнинг мунтазамлиги муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Душанбе шаҳрига ташрифи давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари 12 сентябрь куни ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг 14-мажлисида иштирок этади.

ЎЗА

Давлат бюджети маблағлари мақсадли сарфланиши тарафдоримиз

➤ **Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг 2014 йил биринчи ярим йиллик якунлари тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди. Фракция аъзолари, бир қатор мақсадли вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг масъул раҳбар ходимлари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ҳисоботи тингланди.

2 ➤

Ёшлар бандлигини таъминлашда банкларнинг ўрни

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда банк тизимининг устувор вазифалари" мавзусида йиғилиш ўтказилди.

2 ➤



С.Асанов. УзА) олган сурат

Буюк келажакни соғлом авлод яратади

Давоми. Бошиқ 1-бетда

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтказилган тадбирда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, депутатлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Республика репродуктив саломатлик маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИХ каби жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Айни вақтда видеоконференцияни онлайн режимда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кенгашлари фаоллари ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг жойлардаги бўлимлари мутасаддилари кузатиб бордилар.

Анжуманда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари ҳамда оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш, ёшларда соғлом оила қуриш, соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшашга интилишни кучайтириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ўтган йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий моделимиз жаҳон эътирофига сазовор бўлди. Ўзбекистон ёш авлод саломатлиги йўлида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнтаклигига кирди. Бу соҳада босқинча-босқинчи олиб борилган ишлар натижасидир. Хусусан, ҳомиладор ва фертил ёшдаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда, худудларда замонавий перинатал марказлари барпо этилмоқда, қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар поливитами комплекслари билан тўлиқ таъминланмоқда.

Зухра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари.

— Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг 3,2 бараварга камайганлиги, ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 баробарга камайгани, 2 ёшга бўлган болалар бепул эмланаётгани, ўғил-қизларимизнинг хар томонлама соғлом, бакувват ва баркамол бўлиб ўсаятгани эътиборга моликдир. Ёш авлод ўртасида дифтерия, қочқош, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам берилди. 14 ёшга бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилга икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса хар йили чуқур тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Аммо ҳаётнинг ўзи олдимизга янада кўпроқ ва жиддийроқ талаблар қўймоқда. Жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга оид қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш, фуқароларнинг тиббий саводхонлигини ошириш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ўз навбатида, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардаги вазифалар Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурига ҳамроҳ экани ҳам партияимиз сафида кўпчиликини ташкил қиладиган фарзандларининг соғлом бўлишидан манфаатдор, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги тарафдори бўлиш аёлларимизни янада фаол, фидойи бўлишга чорлайди.

Бугунги видеоконференциядан кўзланган мақсад ҳам соҳадаги ютуқ ва камчиликларни мутасадди ташкилотлар ва кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, амалиётда учраётган ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва уларни тўлдирish юзасидан қонунчиликка тегишли тақлифлар тайёрлашга қаратилгандир.

Анжуманда шунингдек, Юртимизнинг бевоқиф ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилиб, қатор давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилаётганлиги эътироф этилди. Айниқса, «Соғлом она — соғлом бола» дастури ижросини таъминлаш мақсадида худудларда замонавий тиббий муассасаларни тармоғи, шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғруқхона мажмуалари, худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, қарийб 3200 дан зиёд кишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани ўзини ижобий самараларини бераётганлиги иштирокчилар томонидан алоҳида таъкидланди.

Саидмурод ИСМОИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

— Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги қарори билан 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастурининг таъминлангани юртимизда «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида олиб борилётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Дастур аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишининг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар са-

лоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, махсус ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган.

Таъкидлаш кераки, дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Хар ойда фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги ёки хар йили чекка худудлардаги аҳоли «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилаётгани бугунги ёрдамчи исботидир.

Шу билан бирга, дастурга кўра, турмуш қураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш сифатини яхшилаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини, туғма ва ирсий касалликлар билан туғилиш ҳамда яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича мақсадли тарғибот ишлари олиб борилади. Хомилдор аёлларга ва гўдакларга перинатал ёрдамларни кўрсатишни такомиллаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятларидаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида неонатал хирургия бўлимлари ташкил этилиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

11 перинатал маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда замонавий филиали ҳам замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланади.

Мухтасар айтганда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида рўёбга чиқарилаётган саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, бутун жамиятда соғлом ва барқарор муҳитни қарор топтиришга, пировардида юртимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Конференцияни жойлардан кузатиб борган Ўзбекистон «Адолат» СДП худудий ташкилотлари фаоллари мутасаддиларга кўтарилган мавзу юзасидаги ўзларини қизиқтирган савол ҳамда тақлифлари билан мурожаат қилдилар.

Жонли мулоқот ва қизиқарли мунозаралар асосида ўтган видеоконференция якунида бугунги кунда фуқароларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган давлат даражасидаги эътибор баробарида, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш-тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, соҳада ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш, жойлардаги мавжуд масалаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илбос САХАТОВ,
«Adolat» муҳбири

Сайлов қонунчилигига оид кўникмалар оширилди

➤ Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан «Партия ҳудудий, маҳаллий сайлов штабларини ташкил этиш, тузилмаси ва функционал мажбуриятларини белгилаш» мавзусида ташкил этилган навбатдаги сиёсий ўқувда шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, кадрлар ва депутатлик захирасига олинган партия аъзолари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Давлат ҳокимияти ва қиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда шаҳар ва туман партия кенгашларининг муносиб иштирокини таъминлаш, сайловларнинг сайлов қонунчилиги нормалари асосида ўтишига эришиш, партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ушбу ўқувда «Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар ва сайлов қонунчилиги», «Партия ҳудудий, маҳаллий сайлов штабларини ташкил этишнинг аҳамияти, тузилмаси ва функционал мажбуриятлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Тадбир кизгин мунозара, таъбир жоиз бўлса, танқидий руҳда ўтди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида, аҳоли кенг қатлами орасида сиёсий партиялар фаолиятини кўрсатиш ва иштирок кун сайин ортиб бормоқда, — деди Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаев. — Бугунги кунда хар бир сиёсий партия фаоли ва партиядан сайланган депутатлар олдида ўз партияси электоратининг ишончини қозониш, манфаатларини муносиб даражада ҳимоя қилиш, давлат дастуриларининг ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш ва партия сайловолди дастурида белгилан-

ган вазифаларнинг жамият ривожига таъсирчанлигига эришиш орқали яқинлашиб келаётган сайловлар жараёнига ёруғ юз билан бориш вазифаси устувор бўлиб қолмоқда. Афсуски, 2009-2014 йилларда ҳам партияимиз вакилларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги етарли бўлмади. Электоратимиз манфаатларини етарли ҳимоя қилмоқда. Улар манфаатига мос масалалар, тақлиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига жуда кам киритилди. Депутатларимиз ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурига тақлиф беришдан кўра, маърузаларнинг ечиши билан кўпроқ овозга бўлиб қолдилар. Партияимиз Сайловолди дастуридаги аксарият йўналишларидаги устувор вазифаларга етарли эътибор қаратолмадик. Социал-демократик ғоя ва мақсадларимизнинг туб моҳиятини етарлича тушуинтирмаётганимиз, бу борада сусткашликка йўл қўйилмаётгани туйғуллик ҳам одамларни партия сафига жалб қилишда муайян қийинчиликлар пайдо бўлаётди. Бизнингча, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, қуйи тузилмалар, айниқса, бошланғич ташкилотлар ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан партиянинг юқори ташкилотлари орқали ишни тўғри мувофиқлаштири олинишига боғлиқ. Шу боис ишимизга бўлган ижодий муносабатни, талабни изчил-



лик билан ошириб боришимиз даркор. Шунга эришишимиз кераки, ўтказилаётган хар бир тадбир, учрашув, баҳс-мунозара қутилган самарани берсин, партиянинг ёшлар, аёллар қанотини мустаҳкамлашга, сайловчилар орасида хайрихоҳларнинг кўпайишига хизмат қилсин. Фақат шу йўл билангина биз бўлғуси сайловларда ўз олдимизга қўйган мақсадга эриша оламиз.

Тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида ташкил этилган сайлов штаби билан таништирилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилардан батафсил жавоб олдилар.

— Ўқувда иштирок этиб яна бир бор сайлов штабларини ташкил этишнинг аҳамияти, фуқароларнинг сайлов қонунчилигида белгиланган ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишни таъминлашда сайлов штабларининг ўрни юзасидан зарур маълумотларга эга бўлдим, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус туман кенгаши раиси А.Дарибаев. — Эндиликда туман партия кенгашимизда ҳам ана шу

мавзуда БПТ фаоллари учун ўқуларни ташкил этишни режалаштирдик.

Кадрлар захирасига олинган ва номзоди депутатликка лойиқ, деб топилган хар бир партия фаолининг қалбида ўз партияси Сайловолди дастуридаги ғояларининг ҳаётбахшилигига бўлган ишонч ва фахр туйғуларини уйғотиш, партия позициясини мустаҳкамлаш, партиянинг топириқларни бажаришга бўлган масъулиятни оширишда худудий партия ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган турли мавзу ва шаклдаги тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ.

Албатта, бу каби ҳуқуқлар орқали партиянинг хар бир фаоли ва аъзосининг давр талабига мос билим ва кўникмага эга бўлиши, пировардида аҳоли ўртасида сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шарипа ТОРЕШЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Муҳим сиёсий тадбирда аёлларнинг иштироки

➤ Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП Арнасой туман кенгаши томонидан «Аёлнинг сиёсатдаги ўрни. Хотин-қизларнинг турли даражадаги сайловлардаги фаол иштирокини таъминлаш — давр тақозоси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда туман партия кенгаши фаоллари, БПТ етакчилари «Аёллар қаноти» аъзолари, туман хотин-қизлар кўмитаси ва маҳалла маслаҳатчилари иштирок этди. Тадбир партияимиз Сайловолди дастурида келтирилган жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини ошириш, хотин-қизларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти органларининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизларга янада кенг имкониятлар яратишга доир вазифалар ижросига қаратилди.

Бугунги кунда ўзбек аёли ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, санъат, спорт, хунармандчилик, қўйинчи, барча соҳаларда муваффақиятларга эришаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб келаямиз, — деди Арнасой туман партия кенгаши раиси Д.Жуманова. — Шунингдек, мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ор-



тиб бориб, улар давлат ва жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бугун давлат ҳокимиятининг барча бўғинидаги вакиллик органларида 1132 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлис таркибида 48 нафар сенатор ва депутатлар фаолият юритаётган бўлса, қарийб 400 миң нафарга яқин аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоён қилаётди. Шунингдек, хотин-қизларимизнинг фуқаролик жамияти таянчи бўлган нодавлат ношаро ташкилотларидаги фаол иштироки тўғрисида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

Ҳўш, навбатдаги сайловларда хотин-қизларимизнинг иштироки қандай бўлади? Ушбу саволга жорий йил охирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган аёл номзодларимизнинг тайёргарлиги, уларнинг ўз сайловолди дастуридаги қанчалик мукамал туза олиши, сайловчилар-

нинг ишончига нечоғли эриша олишига қараб жавоб оламиз. Қолаверса, номзодларимизнинг кўпчилиги овозларни қўлга киритишда сайловчи сифатида овоз берадиган хотин-қизларнинг ушбу муҳим сиёсий тадбирда қанчалик фаол иштирок этишига ҳам боғлиқдир. Шу боисдан, жойларда хотин-қизлар билан ўтказадиган тадбирларимизда уларнинг айнан сайлов қонунчилиги ва сайловлар ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратишимиз, бу борадаги ишларимизни мазмун жиҳатдан бойитишимиз, интер-фаол усул ва замонавий технологиялардан фойдаланишимиз зарур.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий қонунчилик тизими яратилган, — деди туман партия кенгаши «Аёллар қаноти» раиси Т.Жўлиева. —

Ушбу миллий қонунчилик тизимининг амалдаги ифодасини парламент ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодлар умумий миқдорининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши тўғрисидаги норманинг мустаҳкамлаб қўйилганида кўриш мумкин. Шундай чора-тадбирлар тўғрисида аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва иқтисодий-молиявий ислохотларнинг, давлат ва жамиятда кечаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланган.

Бугун мамлакатимиз хотин-қизларига давлат даражасида қаратилган эътибор баробарида бу жараёнда партияимиз аёлларининг ҳам муҳим ўрни бўлиши лозим. Бунинг учун хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни ўйланчиратган масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ваколати ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳамкор ташкилотлар билан йирик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, сайловларда иштирок этадиган партиянинг кузатувчиси ва ваколатли вакилларини тайинлашда ҳам лидер аёлларга кенг ўрин ажратиш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тушунчалар берилди.

Жонли мулоқот ва қизиқарли савол-жавобларга бой руҳда ўтган давра суҳбати якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Барно АЛИМҚУЛОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти кенгаши аъзоси

Ҳудудий партия ташкилотларида

Қуйидан бошланган ташаббус

➤ БПТ — партия таянчи

Тумандаги энг фаол ва ташаббускор бошланғич партия ташкилоти ҳақида сўраганимизда Янгиариқ туман партия кенгаши раиси Барногул Сапаева ҳеч иккиланмай Қўриқтом қишлоқ фуқаролар йиғинидаги БПТни тавсия этди.

— Мазкур БПТ ўзининг амалий ишлари, ташаббускорлиги билан бошқалардан ажралиб туради, — деб қўшимча қилди кенгаш раиси. Айниқса, ҳар hafta партия фаоллари учун халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари иштирокида сиёсий ва маърифат дарслари ташкил этилаётгани эътиборга молик. Хусусан, ўтган hafta ўтказилган шундай тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, сиёсий партия тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти, сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик ва социал-демократия мафкураси, унинг келиб чиқиши ва асосий тамойиллари каби мавзулар чуқур ўрганилди. Шу билан бирга, маърифат дарсларида ёшларнинг фаол иштирок этишлари, улар томонидан бундай сиёсий етуқликка ундовчи тадбирларнинг кўпроқ ўтказиш бўйича таклифларнинг билдирилганлиги, айниқса, тадбир давомида иштирокчиларнинг юртимиз равиши, Ватанимиз тараққиёти учун ҳар бир фуқаронинг масъул эканлигини англаб бораётганлиги янада қувонарлидир.

Тўғри, ҳар бир партия ташкилоти учун аввало амалий натижалар муҳим. Янгиариқда бирон-бир қўйи бўлин йўқки, бу масалага жиддий эътибор бермаётган бўлса. Айниқса, кейинги йилларда кенгаш тасарруфидаги бошланғич ташкилотларнинг сон жиҳатдан ихчамлаштирилиб, таркиб жиҳатдан йириклаштирилгани ўз самарасини берди. Ишни ташкил этиш ва кадрлар билан ишлашда янги имкониятлар юзага келди. Сони бор-у, салмоғи йўқ қўйи ташкилотларнинг бахридан ўтилиб, уларнинг ўрнида ташкил этилган БПТлар энди ҳаётга янги наъзар билан қараб бошладилар. Энг

муҳими, кўпчилик қўйи бўлиннинг худудий ташкилот нуфузини оширишдаги аҳамиятини тушуниб етди. Фаоллар ишда тўб ўзгаришлар қилишга энг шимариб киришдилар.

Ана шундай масъулиятли дамларда Қўриқтом ҚФЙ БПТ раиси Шавкат Худойбергенов партия аъзолари сонини янада кўпайтиришни ўз олдига катта мақсад қилиб қўйди.

— Партиянинг одамларни ўзига жалб қиладиган кучи амалий ишлардир, — деб ҳисоблайди Шавкат ака. — Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг кучли ғоялари, ҳаётий шиорлари ва дастурий вазифаларига эга. Аммо унинг таъсирчан кучини биз амалий натижаларсиз ҳис эта олмаймиз. Шундай экан, одамларда партияга қизиқиш уйғотиш ва уларни сафимизга тортиш учун амалий ишларимизни кўпайтиришимиз керак.

Дастлаб БПТ қишлоқ шароитида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи долзарб вазифага эканлиги алоҳида эътибор қаратди. Қўриқтомлик сафдошларимиз коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқишди. ҚФЙ худудида жойлашган Янгиариқ қурилиш ва транспорт коллежида ўнлаб «адолатчи»ларнинг ишлаши ҳам қўл келди. Жумладан, Қўриқтом ҚФЙдаги қўйи бўлин етакчиси Шавкат Худойбергеновнинг ўзи мазкур касб-хунар коллежини кўп йиллардан бери бошқариб келмоқда.

Партия билан биргаликда қўзланган мақсадлар сари дадил бориш, сиёсий куч ғоялари ва дастурий вазифаларини амалга ошириш, партияни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўриқтомда БПТнинг сиёсий ўқув хонаси ташкил этилди. Натижада сафдошларнинг бугунги куннинг долзарб масалаларига оид давра суҳбатлари, жонли мулоқотлари кучайди, тарғибот-ташвиқот ишларининг самара-

“Адолат” СДПга ишончни оширмоқда



дорлиги ошди. Шу билан бирга, партия ҳаёти ва фаолиятига оид янгиликлардан ҳамма партиядошлар хабардор этилиб борилди.

БПТнинг сиёсий ўқув хонасида қўриб чиқилган масалаларга 7 та йўналишда 721 нафар ўқувчи тахсил олаётган Янгиариқ қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг мавқеи ортиб бормоқда. Жумладан, коллеж 2010 йилдан бунён Ўзбекистон ва Германия давлатларининг Қурилиш ва коммунал хўжалик соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга оид лойиҳаси асосида иш олиб бормоқда. Лойиҳага кўра 1 миллиард сўмлик ускуна ва техника билан коллеж устaxonининг жиҳозлангани ўқувчиларнинг қурилиш ва транспорт соҳаларини чуқур ўрганишларига ёрдам бермоқда. Ўрта бўлин кадрларини тайёрлашга жомоада фаолият кўрсатаётган «Адолат» СДП аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунда уларнинг сони 24 нафарга етди. Қўриқтом МФЙ БПТдаги партия аъзолари сони эса юз нафарга яқинлашиб қолди. Уларнинг 60 фоиздан ортиғи хотин-қизлардир. Яқинда Қўриқтом ҚФЙ

БПТда партия аъзолари сони яна 12 нафарга кўпайди. 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зуҳра Мадраҳимова, туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Зулфия Муқимова, Янгиариқ қурилиш ва транспорт коллежи ўқитувчиси Шахриёр Рўзметов ва бошқалар қўйи бўлин етакчиси Шавкат Худойбергеновнинг қўлидан партияга аъзолик билетларини қабул қилиб олишди.

БПТда «Соғлом бола — миллат келажаги», «Таълим ва ислоҳот», «Конституция — бахтимиз қомуси», «Сиз қонунни биласизми?», «Сайлов — сийлов эмас» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилиб, аҳоли билан жонли мулоқотлар олиб борилмоқда. Тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси эса одамларнинг партияга ишончни ортиб бораётганида, аъзолари сони кўпайётганида, «Адолат» СДПни кўпчилик қўллаб-қувватлаётганида намоён бўлмоқда.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» муҳбири

➤ Эътибор

Истиклолимизнинг 23 йиллиги тантаналари давом этмоқда. Жойларда ўтказилаётган турли байрам тадбирларини ташкиллаштиришда Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгашлари ҳам фаол қатнашмоқда.

Юртимизда инсон қадри

ҲАМИША АЗИЗ

Партия фаоллари азалий қадриятларимиз, ўзбекона меҳр, оқибат намунаси сифатида улуг айём арафасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб байрам билан табриклашни ҳам унутганлари йўқ.

Шундай хайрли ишлардан бири партиянинг Янгиер шаҳар кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилиб, шаҳарда истикомат қилувчи ўзгалар параваришга муҳтож ёлғиз қарияларнинг бир неча нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди.

— Шундай шодиёна кунда бир давра атрофида йиғилишиб турганимиздан жуда хурсандман, — дейди «Шодлик» маҳалласида яшовчи ёлғиз пенсионер Д.Зарипова. — Бугун мен ёлғиз эмаслигимни, атрофимда яши одамлар борлигини яна бир бор ҳис қилдим. Барчамизга ғамхўр давлатимизнинг доимий ижтимоий ҳимояси, албатта, биз қариялар учун энг катта мадад.

Янгиер қўчаси 4-ўйда яшовчи кўзи ожиз Анжелина Шитова ҳам юртимизга хотиржамлик, тинчлик тилаб ўз фикрларини билдирди:

— Ўзбекистонда шунча йил яшаб бир нарсани ҳис қила-

манки, дунёда ўзбеклардек оқ кўнгил, саховатли ва меҳри қайноқ халқ йўқ. Истагим шундай юртдан ҳеч қачон файз аримасин.

Миллатимиз, халқимизнинг тарихи беқиёс, Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас Ватанимизнинг келажаги буюк. Шундай экан, бу муқаддас юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ҳамада эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгила-ниш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, авваломбор, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг яна бир амалий ифодасидир.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеғви ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори шу мустақил Ватанда ўтаётган ҳар бир кун учун шукрона айтишга етаклайди. Айни пайтда ҳар бир кишини шу озод муҳитда яшаш масъулиятини теран англашга, унга муносиб бўлиб, юртимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашишга ундайди.

Шухратжон ҲАСАНОВ
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
матбуот котиби



Бўлғуси сайловларда

➤ Нуқтаи назар

Сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи ва ўрни унинг аҳоли манфаатларини қай даражада ҳимоя қилаётгани, жойлардаги муаммоларнинг ечими юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқаётганига боғлиқ.

Шу маънода Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар ва шифокорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу масала хусусида сўз кетганда, аввало, бошланғич партия ташкилотларининг ўрни алоҳида таъкидлаш керак. Чунки улар аҳоли билан доимий алоқада, фикр-мулоҳазалари, ташвишларидан хабардор бўлади. Шу боис қўйи бўлинда салоҳиятли, изланувчан, сиёсий-ҳуқуқий билими юқори етакчилар сафини кенгайтириш, уларнинг тажрибасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаралаётган. 2009 йилги сайловларда бой берилган имкониятлар ҳам кўп жиҳатдан партиянинг қўйи бўлинга етарли эътибор қаратилмагани билан изоҳланади.

Партия тизимида ўтказилаётган тизимли сиёсий ўқувлар, худудий партия ташкилотлари ишини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар туфайли вилоятдаги қолоқ туман кенгашлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз берди.

Бугун «Адолат» СДП Наманган вилояти кенгашидаги ишлар тубдан ўнгилаш палласида. Бироқ галдаги сайловларга тайёргарлик жараёнларида изчиллик касб этаётган фаолиятимиз ана шу сайловлар натижаси бўйича ўз сўзини айтиши зарур. Ақс ҳолда эса, бугунги сазъ-харакатлар, шижоаткорлик, пировардида туғилган мақсад ва орзулар самара



бермай орзулигича қолиб кетади. Бунга эса, асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу йўналишдаги яна бир муҳим жиҳат партиянинг 2011-

2014 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури ижроси ҳисобланади. Барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари ма-

ҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари дастурда кўзда тутилган вазифаларни тўлақонли бажаришга ҳаракат қилмоқда.

Хусусан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш мақсадида ўтган йили 10 га яқин масалани сессиялар муҳокамасига олиб чиқди. Жорий йилда мазкур сессиялар қарорлари ижроси партия гуруҳлари томонидан доимий равишда назорат қилиб боришмоқда.

2014 йилнинг ўтган даври мобайнида эса халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП гуруҳлари томонидан 6 та масала тахлилий ўрганилди. Шундан 4 таси тегишли доимий комиссиялар мажлисларида, 2 таси халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида муҳокама этилган.

Партия гуруҳлари томонидан ўрганилаётган ҳар бир масала худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бар-тараф этиш, оилавий тадбир, мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш билан боғлиқ

долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг устувор йўналишлари ижроси юзасидан партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари режа асосида иш олиб бормоқда. Чекка худудларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларни спортга жалб этиш масалаларида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни амалий ишлар билан белгиланади. Бугунги одамлар кечаги одамлар эмас. Қуруқ ваъдалар билан ишонч қозониб бўлмайди. Бошқача айтганда, сайловчилар ишончини қозониш, уларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал қилиш, электротар манфаатларини таъминлаш йўлида аниқ натижага эришишга боғлиқ.

Сандолим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти кенгаши раиси
биринчи ўринбосари

Барқарорлик осойишталикдан бошланади

ИИБ почтасидан

Бугун республикамиз миқёсида фаолият кўрсатаётган 3752 та милиция таянч пунктининг 82 фоизи атрофда ёшларнинг чиникиб, соғлом бўлиб вояга етиши учун спорт майдончалари ташкил этилган. Ўғил-қизларимизнинг 73,5 фоизи эса турли ҳунармандчилик тўғрисида қатнашиб, ўз иқтидорларини намоён этишмоқда.

Республикамиз миқёсида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, тезкор-криминоген ва ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, жойларда паспорт-виза қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш ички ишлар органларининг, хусусан, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг зиммасидаги иш. Шу билан бир қаторда маҳалла ёшлари вақтини бекор ўтказмаслиги, бирор фойдали иш билан машғул бўлишлари ҳам ушбу тизим вакилларининг назаридан четда қолаётгани йўқ. Бесабаб мактабга бормаётган вояга етмаганлар бўлса, уларнинг ота-оналари чақиртирилиб, дарс қолдираётганлиги сабаби аниқланмоқда. Чунки

бугун улар сўраб-суриштирилмаса, қаровсиз қолиб кетган ўспиринларнинг қизиқишлари оқибати ёмон бўлиши мумкин. Профилактика инспекторлари томонидан 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда, таълим муассасаларида 84854 маротаба учрашув ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Ушбу учрашуларда асосий эътибор аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашиш ҳамда ёшларимизнинг четдан кириб келаётган «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолмасликлари каби масалаларга қаратилди. Профилактика инспекторлари ва маҳалла фуқаролар йиғини ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиши ўз самарасини бермай қолмайди, албат-



та. Бундан анча йиллар олдин оддий оилавий низолар ҳам судларда ҳал этиларди. Айни кунда эса бу ҳолатлар маҳалланинг ўзида, яъни у ерда ташкил этилган яраштириш комиссияларида ҳал этилмоқда. Жорий йил бошидан буён яраштириш комиссиялари томонидан муҳокама қилинган, оилавий турмуш доирасидаги можаролари масалалар сони 33468 тани ташкил этган. Шундан муҳокама қилинган оилалар сони 26963 та. Муҳокама асосида нотинчликларига бар-

ган муқаддам судланган фуқаролар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиши натижаси шуни кўрсатдики, улар қилган хатти-ҳаракатларидан қаттиқ пушаймонликлари, бундан кейин номаъқул ишга қўл урмасликларини айтишган. Кейинги ҳаётларида фақат яхши амаллар қилиб, оиласи ва жамиятга фойда келтирадиган инсон бўлишга ваъда берганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эришди.

Дунёнинг ҳеч бир давлатида биздагидек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби тузилма мавжуд эмас. Бошқарувдаги бундай ёндашув ҳалқимизнинг менталитети ва асрлар мобайнида давом этиб келаётган тақдирларимизга аънавалари намунасидир. Уни шу ҳолига асраб-авайлаш ва жаҳонга кўз-кўз этишда маҳалла фаоллари ҳамда милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ўрни бекиёс. Шундай экан, юртимиз маҳаллаларининг чирой очиши, ободлаши боришида асосий роль ўйнаётган бу фидойиларнинг ҳамкорлиги бардавом бўлиб, осойишталик таъминланаверади.

Улугбек ТУЙМАОБЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХОСББ матбуот котиби, подполковник



Давоми. Боши ўтган сонларда.

11. Сўзлашиш одоби

Хайдовчи деярли ҳар кун турфа хил одамлар, турли касб эгалари билан мулоқотда бўлади. Йўловчилар орасида бир гапириб, икки куладиган хангома талаблари, суҳбатлашиб кетишга мойиллари ва, аксинча, ортиқча сўзамолиқни ёқтирмайдиган асабийлари ҳам бўлади. Бир нимадан хафа бўлиб, боши қотиб турган одамга битта гап кам, иккитаси ортиқчалик қилади. Хайдовчи ўзига ҳамроҳ йўловчиларнинг кайфиятидан келиб чиқиб, уларга муомала қилиши керак. Ортиқча савол, бўлар-бўлмас нарсаларни сўрайвериш одобдан эмас. Бордику йўловчининг ўзи гап бошлаб қолса, уни ҳам тинглаши, керак ўринлардагина суҳбатга қўшилиши мумкин.

Хориж давлатларидан келган нотаниш ҳамроҳингизга: "Ким бўлиб ишлайсиз?", "Қанча маош оласиз?" деган савол бериш жуда ўринсиз. Бундай савол бериш одобсизлик ҳисобланади. Хайдовчи хорижлик сайёҳларга, айниқса, юртимизга хизмат сафари билан келган меҳмонларга хизмат кўрсатаётган бўлса, мана шу муҳим қоида асло унутмаслиги керак.

Баъзи хайдовчилар, айниқса, автобус шофёрлари рулни бошқариб бораётган бўлишларига қарамай, ёнларидаги ёрдამчилари билан керак-но керак гаплари бемалол, ҳаммага эшиттириб гаплашишади. Қизиқроқ гап айтиб, ўзлари қаҳ-қаҳ этиб кулишади. Бу ҳам майли, қўл телефонларида ҳаммасилари билан бемалол мулоқот қилишади. Кимларгадир кўнғироқ қилиб, алланималарни муҳокама қилишга киришиб кетишади. Жаҳллари чикса, тезликни ошириб, қоидага хилоф иш тутишади.

Жамоат транспортида бундай ҳолларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Автобусдаги йўловчиларнинг саломатлиги сенга бевосита боғлиқ экан, ҳаёлингнинг бошқа нарсаларга бурма, муҳтарам хайдовчи.

12. МАҲОРАТ БЕЛГИСИ

Ҳалқимизда "Фалончининг оёқ олиши бежо" ёки "Пистончининг хатти-ҳаракати ёқмай турибди-да" деган гаплар бор. Ҳар бир кишининг сўз ва амаллари унинг ички дунёсини кўрсатиб туради. Хайдовчининг касб маҳоратини унинг машинани қаерга ва қандай қўйишдан (парковкадан) билса бўлади. Автоулов шундай қўйиш кераки, у йўловчиларга, яъни шу ердан ўтайдиган пиёдаларга, айниқса, кексаларга, ногиронларга, мактаб ёшдаги болаларга ҳалақат бермасин, бошқа машиналарнинг йўлини, йўлақларни тўсиб қўймасин.

Афсуски, бу қоидага кўпинча амал қилинмайди. Тўй-томоналар пайти базми бошқариб бораётган кишининг микрофонда: "Фалон номерли, фалон русумли машина хайдовчисидан ташқарига чиқишини илтимос қиламиз", деган гапини кўпчилигимиз эшитганмиз. Бунинг маъноси — эълон қилинган машина хайдовчиси машинасини нотўғри қўйган бўлади.

Баъзан одоб доирасига сиғмайдиган ўта ноҳуш ҳолатларга ҳам дуч келаемиз. Баъзи хайдовчилар, кўпроқ хусусий машиналарнинг эгалари, тўй-ҳашамларда (таассуфки, таъзия маросимларида ҳам) хориж мамлакатларида ишлаб чиқарилган қimmatбаҳо машиналарини бошқаларга кўз-кўз қилмоқчи бўлибми, одамлар тўпланиб турган жойга жуда яқин қўйишади ёки сигнал чалиб, орани ёриб ўтишга ҳаракат қилишади. Катта ёшдаги кишилар ўзларини четта олишга мажбур бўлишади.

Ўзини ҳурмат қиладиган маънавиятли хайдовчи ҳеч қачон бундай қилмайди.

Бутун дунёда хайдовчилардан талаб қилинадиган биринчи қоида — транспорт воечасини белгиланган жойга қўйиш ва қўйганда ҳам тўғри қўйиш. Бу талабга амал қилмаганлар жаримага тортиладилар.

Одобсиз хайдовчини жарима билан ҳам тарбиялаб бўлмайди. У ўз виждонини ўзи назорат қилиши керак.

Давоми бор. **Ота АҲМАД**

Амударё тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги "Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш бора-

Назорат кучайтирилмоқда

Хусусан, туман ҳудудидаги нақд пул тушумига эга бўлган 616 та савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи шохобчалар банк кассаларига инкассация бўлишлари орқали кунлик нақд пул тушумларини топшириб келмоқда. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳар бир ой учун белгиланган "савдо тушумлари" учун ойлик прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишига эришиляпти. Жумладан, жорий йилнинг июль ойида савдо ва пуллик хизматлари бўйича тушумига 6734,0 миллион сўмлик прогноз белгиланган эди. Амалда бу кўрсаткич 6864,0 миллион сўмга, яъни 102 фоизга бажарилди.

Қолаверса, савдо тушумига 5252,2 миллион сўмлик прогноз белгиланган бўлиб, август ойининг 1 санасига жами банк кассаларига терминал тушуми билан биргаликда 5682,0 миллион сўм савдо тушумлари банк кассаларига кириб қилинди.

Амударё тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан биргаликда инкассация билан шартнома тузмасдан фаолият юритаётган савдо шохобчаларини аниқлаш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда инкассация шартномасини тўздириб, кунлик нақд пул тушумларини банк кассаларига топширадиган қўшимча субъектлар сонини кўпайтириш борасида ҳар ой давомиди инвентаризация ишлари амалга ошириб борилмоқда. Ўтказилаётган профилактик тадбирларга қарамай, ҳудудларда кунлик нақд пул тушумларини тўлиқ банк кассаларига топширмасдан, назорат касса машиналаридан ёки махсус кватнациялардан фойдаланмасдан фаолият юритаётган савдо шохобчалари аниқланиб, қисқа муддатли

текширишлар чоғида уларга нисбатан тегишли чоралар кўриломоқда.

Ўтказилаётган хронометражлар натижасида аниқланган камчиликларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан ҳам чора-тадбирлар ташкил этилаётир. Шу йилнинг ўтган етти ойида туман ДСИ томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи 22 та кўжалик юритувчи субъектга нисбатан харидорлар билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилишда назорат касса машиналаридан фойдаланмаслик ҳолати аниқланиб тегишли чоралар кўрилди. Биргина июль ойининг ўзида ўтказилган 3 та текширишда НКМ ишлатмаслик, савдо терминалидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланди. Иккита ҳолатда эса 932,0 минг сўмлик кириб қилинмаган товарлар борлиги маълум бўлди.

Савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектлари тўлов терминаллари билан жиҳозланмоқда. Жами 454 та шохобчада тўлов терминаллари тўлиқ ишлаб турибди. Тўлов терминаллари билан жиҳозланган барча объектлардан терминаллардан тўғри фойдаланиш, нақд пулга реализация қилинган товарларни бир хил нархда пластик карточкаларга ҳам савдо қилишлари тўғрисида тижорат банклари ва давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўринбой ҲАРАМЕТОВ,
Амударё тумани ДСИ бошлиғи ўринбосари

Солиқ тўлашни унутмадингизми?

Солиқ ва ижро


Жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган тадбирларни молиялаштириш, шаҳар ва туманларни иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш, шу билан бирга аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг уй-жойлари, квартиралари, дала ҳовлилари, гаражлари, бошқа иморатлари ҳамда ер участкалари мол-мулк ва ер солиғининг солиқ солиш объекти бўлиб, ушбу объектларнинг қиймати ва эгаларига ер майдони эса солиқ солинадиган база бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳар йили 1 январь ҳолатига кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосан ҳисоблаб чиқарилади. Қайд этиш жоизки, жисмоний шахслар солиқ имтиёзидан тегишли ҳуқуқий асослар вуҷудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақлидир. Бунинг учун жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиқлари бўйича имтиёзларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сибсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига асосан Солиқ кодексининг 275 ва 290-моддаларига ўзгартиришлар киритилган бўлиб, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар, пенсионерлар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларига қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинадиган майдон (60 кв.метр) ўлчами дои-

расида мол-мулк солиғидан имтиёз қўлланилиши белгиланди. Масалан, пенсионерга тегишли турар-жойнинг умумий майдони 80 кв. метрни ташкил



этади. Кадастр хизмати маълумотларига кўра, ушбу турар-жойнинг инвентаризация қиймати 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 9 500 минг сўм баҳоланган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкка солинадиган солиқ суммаси 2014 йил учун қуйидаги тартибда ҳисобланади:

(9 500 - 9 500 / 80 кв.м - х 60 кв.м) х 1,2 % = 28,5 минг сўм.

Шу билан бирга, мазкур қонун билан жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғидан Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик, ер солиғидан яёлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибокларлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари ҳамда шахсий пенсия тайинланган шахслар учун берилган имтиёзлар бекор қилинди.

Жисмоний шахслар томонидан солиқ даври учун мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобот йилнинг 15 октябрга қадар тўланади. Ҳар бир фуқаро ўзига тегишли мол-мулк объектлари ва ер участкалари учун ҳисобланган солиқни тўлов муддатидан олдин тўлаши мумкин.

Солиқ тўловчилар ҳисоблаб берилган мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатларда тўламаган тақдирда, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисоблашга са-

баб бўлади. Шунингдек, ҳисобланган солиқларни муддатда тўламаган фуқаролардан солиқлар амалдаги қонунчиликка биноан белгиланган тартибда суд орқали мажбурий ундирувга қаратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғини мунтазам тўланмай келган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Шундай экан, жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг.

Равшан НАСИМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Reklama

«Turkiston Ixtisoslashgan auksion savdo» МЧЖда аукцион савдоларида сотилган мол-мулклар рўйхати

№	Мулкнинг номи	Бошланғич баҳоси, сўм	Сотилиш баҳоси, сўм
1	Дамас STD 01 630 LCA	5 405 777	6 100 000
2	ГАЗ 2410 01 335 HCA	2 450 000	2 750 000
3	КамАЗ 5320 01 621 LCA	5 740 464	6 460 000
4	КамАЗ 5320 01 622 LCA	5 740 464	6 460 000
5	КамАЗ 5511 01 623 LCA	7 925 775	8 850 000
6	ГАЗСАЗ 350702 01 632 LCA	2 038 671	2 410 000
7	НЕКСИЯ 01 982 ДАА	3 840 484	4 450 000
8	КамАЗ 5320 01 618 LCA	5 482 737	6 140 000
9	КамАЗ 53212 01 624 LCA	5 740 464	6 460 000
10	РАФ 2203 01 778 ОСА	912 132	1 065 000
11	КамАЗ 5410 01 628 LCA	11 878 702	12 950 000
12	Дамас 10 TX 804	3 500 000	5 300 000
13	ГАЗ 3102 01 473 JBA	7 600 000	13 500 000
14	Дамас 01 472 АВА	8 380 818	9 650 000
15	Дамас 01 578 АВА	8 380 818	9 400 000
16	Дамас 01 563 АВА	8 380 818	9 650 000
17	Дамас 01 582 АВА	8 661 818	9 650 000
18	Дамас 01 574 АВА	8 661 818	9 650 000
19	ГАЗ-3102 01 274 HCA	5 458 000	6 100 000
20	ГАЗ-3102 01 276 HCA	5 300 000	5 900 000
21	ГАЗ-3102 01 220 TBA	5 483 000	6 100 000
22	ГАЗ-3102 01 275 HCA	5 325 000	6 100 000
23	Дамас 01 273 VBA	8 380 818	9 650 000
24	Дамас 01 469 АВА	8 380 818	9 400 000
25	Тико 01 568 АВА	7 754 818	8 750 000
26	Тико 01 641 АВА	7 754 818	8 750 000
27	Тико 01 572 АВА	7 754 818	8 750 000
28	Дамас 01 564 АВА	8 380 818	9 400 000
29	Дамас 01 549 АВА	8 380 818	9 400 000
30	Дамас 01 461 АВА	8 380 818	9 400 000
31	ГАЗ 3102 01 101 GBA	10 090 818	11 000 000
32	ДЭУ ПРИНЦ 01 773 УАА	9 631 818	10 600 000
33	Тико 01 640 АВА	7 754 818	8 750 000
34	Тико 01 562 АВА	7 754 818	8 500 000
35	НЕКСИЯ 01 767 LBA	17 853 706	19 500 000
36	НЕКСИЯ 01 797 DCA	17 212 093	18 800 000
37	ГАЗ 3102-581 01 515 CCA	26 885 000	28 500 000
38	НЕКСИЯ 01 288 АВА	20 250 000	22 250 000
39	ГАЗ-3102-101 01 788 BBA	10 090 818	11 000 000
40	Нексия 01 595 TBA	18 000 000	20 000 000

Гувоҳнома 2011 йил 1 ноябрда берилган №005424



Хабар

Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик жорий этилди.

Жазо чоралари аниқлаштирилди

2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Кодекси янги боб ҳамда 8 та модда билан тўлдирилди.

Мазкур бобда сайлов ёки референдумни ўтказиш пайтида йўлга қўйилиши эҳтимоли бўлган камчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан жазо чоралари белгиланган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларининг фаолиятига аралаштириш", "ушбу ваколатли органларнинг қарорларини ижро этмаслик", шунингдек, "Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бу-

зиш", "Сайловда ташвиқоти- ни, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш", "Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатиш", "Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш", "Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш", "Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш" каби ҳуқуқбузарликлар содир этилгани аниқланган ҳолларда тегишли тартибда жазо чоралари қўлланилиши назарда тутилди.

Муваффақиятлар эътибор ва ғамхўрликка яраша бўлмоқда



Давоми. Боши 1-бетда

Бунинг яққол тасдиғини яқиндагина Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўрта-сидаги Иккинчи Олимпия ўйинларида кўрдик. Қарийб икки ҳафта давомида жаҳоннинг 170 та давлатидан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 3500 дан зиёд ўсмирлар спортнинг 28 тури бўйича ғолиблик учун куч синашдилар. Мусобақада 28 нафар ёш спортчимиз 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритгани бутун халқимиз ишончини оқлади десам, янглишмаган бўлам.

Мамлакатимизда 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўпга юқори даражада спортчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган таълим муассасалари — олимпия захиралари коллежлари, олий спорт маҳорати мактаблари, олимпия тайёргарлиги марказлари, футбол академиялари фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртли талабалари учун универсиададан ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бундай тизим юз минглаб болаларни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракати- га жалб этиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт

билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, иқтидор соҳибаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини доим таъкидлаб келади.

Мен ҳам ана шу мустақкам маржон шодасининг бир дурдонаси сифатида шотокан-каратэ-до спорт тури билан кўп йилдан бери шуғулланиб, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, Осиё мусобақалари ғолиби, кўплаб халқаро турнирлар совриндори сифатида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Зеро, спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида омаллаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди.

Ота-онам ёшлигимдан спорт билан шуғулланишга қизиқтиришган. Уларнинг менга доим, спорт болаларнинг нафақат жисмонан соғлом, кучли ва бардам бўлиб ўсишига ёрдам беради, балки уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишига хизмат қилади, деб ўқтиришган.

Биз ёшлар Президентимиз томонидан ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитларда таълим олиш, соғлом ўсиш, спорт билан шуғулланишимиз учун яратиб берилётган замонавий шарт-шароитлардан миннатдоримиз. Бундай катта эътибор ва ғамхўрликка жавобан ҳар жабҳада фаоллик кўрсатишга, янада юксак марраларни забт этишга ҳаракат қиламиз.

Ҳилола БАДАЛОВА, Ўзбекистон «Адолот» СДП аъзоси, шотокан-каратэ-до бўйича Республика ва Осиё чемпиони, Жаҳон кубоги мусобақаларининг икки қарра вице-чемпиони

Сиёсий партиянинг ваколатли

Давоми. Боши 1-бетда

Мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиш, сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ва кузатувчиси институтларининг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловлардаги иштирокининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда партиялар томонидан кузатувчи ва ваколатли вакиллари тайёрлашда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш учун Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Шўҳрат ЯКУБОВ билан сўхбатлашдик.

— Сиёсий партиянинг кузатувчиси ва ваколатли вакили институтларининг сайловлардаги иштирокидан кўзланган асосий мақсад нимада ва улар сайлов жараёнида партия манфаатларини ҳимоя қилишда қандай ўрин эгаллайди?

— Сиёсий партиялар муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловларда иштирок этар экан, албатта ғалаба қозониш, давлат ҳокимияти вакиллик органларидан имкон қадар кўп ўрин эгаллаш учун ҳаракат қилади. Сайлов кампаниясида муваффақиятли иштирок этиш натижасида партия ўзининг сиёсий майдондаги обрўси ва нуфузини янада мустақкамлашга, ўз электорати манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун сиёсий ҳамда иқтисодий имкониятларга эга бўлади.

Сайловларда ижобий натижаларга эришиш учун сиёсий партиялар барча имкониятларни ишга солади. Шу билан бирга улар кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг куч ва имкониятларидан самарали фойдаланишлари лозим. — Сиёсий партияларнинг кузатувчи ва ваколатли вакилларининг сайловлардаги иштироки сайлов кампанияси очик, ошқора ўтказилишини таъминлайди ва овоз бериш жараёнларида ҳамда сайлов участкаларида овоз бериш натижаларини ҳисоблашда


партияларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Тасаввур қилинг, овоз бериш жараёнида бирор ҳуқуқбузарлик содир этилди ёки бошқа партия номзоди учун ташвиқот амалга оширилди. Бундай вақтда айнан сиёсий партиянинг кузатувчиси бу каби ҳолатларни бартараф этишда асосий роль ўйнайди. Унинг овоз бериш жараёнида кузатиб туришининг ўзидаёқ сайловчилар, бошқа партияларнинг вакиллари ёки сайлов комиссиялари аъзолари томонидан йўл қўйилган айрим хатоликларни, сайлов қоидаларига зид ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Ёки сиёсий партиянинг ваколатли вакили овозларни санаб чиқишда иштирок этади ҳамда бу жараёнда очиклик ва ошқораликни таъминлайди. Овоз бериш натижаларини санада ҳолислик таъминланишини кузатиб боради.

— Сиёсий партиянинг кузатувчиси ва ваколатли вакилининг фаолияти қайси қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинади? Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида фикр билдирсангиз.

— Сиёсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакилининг ҳуқуқий мақоми, сайловларда улар иштирокининг ҳуқуқий асослари халқаро ва миллий қонунчиликда ўз ифодасини топган.



Умуман, сайловларда ошқораликни таъминлаш масаласи халқаро сайлов стандартларининг асосий принципларидан биридир. Бу тамойиллар қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт, «Эркин ва адолатли сайлов мезонлари тўғрисида»ги Декларация, «Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда демократик сайловлар ва сайлов ҳуқуқи ҳамда эркинликларининг стандартлари тўғрисида»ги Конвенцияда белгиланган.

Мамлакатимизда миллий сайлов қонунчилиги халқаро ҳуқуқий нормаларга мослигини таъминлаш мақсадида сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги асосан сайловларда ўз кузатувчиси ва ваколатли вакиллари билан иштирок этиш ҳуқуқи берилган.

Сиёсий партия кузатувчиси сайловлардаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга 17-модда киритилди. Унга асосан, Қонунчилик палатасига ёки вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияларга сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли

мумкинлиги белгиланган. Мазкур моддада, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари, яъни улар нималарни амалга ошириши мумкинлиги ва ўз навбатида, улар томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин эмаслиги аниқ ва тушунарли тарзда белгиланган.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар таҳлили шуни кўрсатадики, сиёсий партиялар ўртасида рақобатнинг кучайиши натижада партиялар сайловларда ўз кузатувчилари ва ваколатли вакилларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Сайлов жараёнида сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, улар ўртасидаги тенглик ва соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида 2008 йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга асосан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга 17-модда киритилди. Унга асосан, Қонунчилик палатасига ёки вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияларга сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли

вакил тайинлаш ҳуқуқи берилди.

— Мамлакатимизда ўтказилган сайловлар амалиётида сиёсий партиялар томонидан кузатувчи ва ваколатли вакиллардан фойдаланиш бўйича қандай натижаларга эришилмоқда?

— Сайловларнинг очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтишини таъминлашда сиёсий партияларнинг роли ва иштироки ортиб бормоқда. Масалан, 2004 йилдаги Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар томонидан 40.000 дан ортиқ кузатувчилар иштирок этган. У вақтда 5 та сиёсий партия ва қатор ташаббускор гуруҳлар сайловларда катнашганлигини унутмаслик лозим.

Партияларнинг сайловларда иштирок этиш тажрибаси ортиб бориши баробарида кузатувчи ва ваколатли вакил институтидан самарали фойдаланиш бўйича тенденция ҳам ижобий томонга ўзгармоқда. 2009 йилдаги сайловларда сиёсий партиялар томонидан сайлов участкаларига кузатувчи ва сиёсий партиянинг ваколатли вакили бириктирилган ва улар сайловларда иштирок этган.

Ёки 2012-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўржорги Кенгеси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги бўша қолган депутатлик ўринларига ўтказилган сайловларда сиёсий партиялар кузатувчи институтидан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилгани кўзатиш мумкин. Масалан, 2012 йилда худудий партия ташкилотлари томонидан сайлов участкаларига фақат кузатувчилар бириктирилган бўлса, 2013 йилдаги сайловларда кузатувчи билан бирга ваколатли вакиллари ҳам иштирок этишини таъминлашга эришдилар.

Жасорат ва матонат эгалари

Ташаббус

Ўзбекистон «Адолот» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан хайрли ишга қўл ўрилди. Партия аъзоси бўлган бир гуруҳ ампувант спортчи ёшларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмаклашиш орқали уларнинг ўз қобилиятларини намоён этишларига, ҳаётда ўз ўринларини мустақкамлашларига эришиш йўлида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Термиз шаҳрида истикомат қилувчи партиядошимиз Ахроржон Бозоров имконияти чекланган бўлишига қарамай, оғир атлетика билан шуғулланиб келаётган ёшлардан. У ўзининг тиришқоқлиги, ҳаётга бўлган қизиқиши туфайли ўзида мустақкам иродани тоблаётган.

— Спорт инсонни турли си-

нов ва кийинчиликларга чидамли, мустақкам иродали бўлишига ёрдам беради. Мен бунга Наманганда, Тошкентда бўлиб ўтган республика мусобақаларига ва "Проформ 2014" спорт мусобақасида эришган ғалабаларим орқали амин бўлганман. Мақсадим — Ўзбекистон шарафини жаҳон спорт майдонларида улуғлаёт-

ган ва юксак чўққиларни забт этаётган матонат соҳиблари изидан бориш, — дейди биз билан сўхбатда Ахроржон.


Спортда эришган ғалабаларим ва кўрсатган юқори натижаларим туфайли яқинда Ўзбекистон Миллий паралимпия асоциациясига аъзо бўлдим. Хозирда 2015 йил февраль-март ойларида Дубай шаҳрида ҳамда 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказиладиган XV ёзги Паралимпия ўйинларига оғир атлетика бўйича тажрибали мураббий Фазлиддин Умурзоқов бошчилигида ўн икки кишилик жамоа билан биргаликда қизгин тайёргарлик кўраёмиз.

— Президентимизнинг спорт соҳасига қаратаётган эътибори туфайли нуфузли мусобақаларга ҳар жиҳатдан пухта

тайёргарлик кўриш, спортчи ва мураббийлар малакасини ошириш, уларнинг юқори савияда машғул олиб боришларини таъминлаш, спортчилар захирасини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир, — дейди Ўзбекистон «Адолот» СДП Сурхондарё вилоят кенгаши мутахассиси Комил Авазов. — Ахир, мамлакатимиз паралимпиячилари жаҳон ареналарида эришаётган ютуқларидан ҳар қандай кишининг фахрланиши айни ҳақиқат. Шу мақсадда партия кенгаши ташаббуси билан Ахроржоннинг паралимпияда мусобақасида иштирок этиши орзусини амалга ошириш учун ҳоимийлик қилишни ниёт қилганмиз ва шу мақсадда мусобақа билан боғлиқ харажатларни ўз зиммамизга олдик.

— Мен юртимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан, жумладан, «Адолот» социал-демократик партиясининг эътиборидан жуда мамнунман. Халқаро майдонлардаги муваффақиятларимиз мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир, — дейди А.Бозоров. — Шундай Ватанда туғилиб вояга етаётганимдан, жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш бахтига мушарраф бўлганимдан бениҳоя хурсандман.

Суратда: (ўнгдан учинчи) Ахроржон Бозоров.



— Мен юртимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан, жумладан, «Адолот» социал-демократик партиясининг эътиборидан жуда мамнунман. Халқаро майдонлардаги муваффақиятларимиз мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир, — дейди А.Бозоров. — Шундай Ватанда туғилиб вояга етаётганимдан, жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш бахтига мушарраф бўлганимдан бениҳоя хурсандман.

Райҳон ЖУМАЕВА, Ўзбекистон «Адолот» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Ёш олимлар анжумани ўтказилади

Жорий йилнинг 25 сентябрида пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши ташаббуси билан "Ёш олимлар конференцияси-2014" илмий-амалий анжумани ўтказилади.

— Уч секцияга бўлиниб, яъни табиий, ижтимоий-гуманитар, аниқ фанлар йўналишлари бўйича илмий изланиш олиб бораётган 40 ёшгача бўлган олимлар иштирок этиши белгиланган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари Севара Бобоева.

Масъул ходимларнинг маълумот беришича, шу кунга қадар конференцияда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар сони 200 нафардан ортиди.

Экспорт салоҳияти ошмоқда

Наманган вилояти Наманган туманидаги "Aisha home textile" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолияти кенгайтирилди.

Ип-калавадан турли сочик тўқишга ихтисослашган корхонада яқинда таъсисчилар томонидан 4 миллион 780 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилиб, хориждан сўнгги русумдаги илгор технология дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Корхона ишлаб чиқариш қуввати кескин ортиди. Йигирмадан зиёд янги иш ўрни яратилиб, жамоа аъзоларининг сони тўқсон беш кишига етди. Асосан касб-хунар коллежини битирган ёшлар меҳнат қилаётган корхонада кунига уч тонна ип-калава қайта ишланиб, ранг-баранг, харидорлар сочқилар ташқи ва ички бозорга етказиб берилмоқда.

Корхона тўла қувват билан ишлаб бoшлагач, яна юз кишининг бандлиги таъминланади.

Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ:

"Ҳеч ким касал бўлмасин"

Давоми. Боши 1-бетда



Бугун замон ўзгарди. Истиқлол шарофати билан тиббиёт юқори босқичга кўтарилди. Кадрлар салоҳияти ошди. Энг сўнгги рўсумдаги замонавий техникалар тиббиётга кириб келди. Энди беморларни операция қилиб, даволашмиш, соғлом ҳаётга қайтаришимиз учун кўпи билан 18 кун керак бўлмоқда. Бу — чинакам мўъжиза эмасми? Кучли технологиялар операциялар сонини камайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилашга ҳам қўлай имконият яратди.

Аслида тиббиёт ҳамма ҳам илғайвермайдиган даражадаги тисослаштирилган жарроҳлик марказига айланди. Аҳолига кўрсатаётган юқори сифатли тиббий хизмати билан ҳар йили минг-минглаб беморларнинг умрига умр кўшаётган, ҳаётига мазмун бағишлаётган мазкур тиббиёт муассасаси бугун юртимиздаги ҳамма ҳавас қиладиган энг намунали шифо масканларининг бирига айланганлиги билан ажралиб туради. Марказда ташкил этилган кардиохирургия мажмуаси Ўзбекистоннинг тиббий салоҳиятини янада оширди. Профессор Зайниддин Низамходжаев бошқариб келаётган "Кизил ўнғач хирургияси" бўлими марказда етакчи ўрин эгаллайди. Бўлим шифокорлари беморларнинг кизил ўнғач соҳасига тегишли барча касалликларни аниқлаб, бартараф этишмоқда. Инсон организмнинг шу нозик қисмида бугунги кунда 20 хилдан зиёд мураккаб операцияларнинг муваффақиятли амалга оширилишига жамоанинг нақадар масъулияти ишга бош қўшаётганини кўрсатиб турибди.

— Илгарилари бундай операциялар уч босқичда амалга оширилиб эди, — дейди қахрамонимиз Зайниддин Низамходжаев. — Бемор ўзини уч марта тигиб беради. Уч босқичли бу жараёнда унинг оёққа туриб кетиши учун 110 кун аранг кифоя қиларди.

бўлимида 10 нафар малакали шифокор меҳнат қилади. Улар бу ерда муолажа олиб, соғлигини тиклаётган 35 нафар беморга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Энгиди оқ халати ўзига ярашиб турган, касбини ҳалол ва фидокорона меҳнати билан шарафлаётган шифокорларнинг кўпи Зайниддин ақани ўзларига устоз деб билишади. Зайниддин акага соҳадан катта мактаб яратган академик Восит Воҳидовнинг шоғирди бўлиш бахти насиб этган. Устозидан кўп нарсаларни ўрганган шифокор кам бўлмади. Тиббиётимизнинг кўзга кўринган олимларидан бири бўлиб етишди. Кўли энгил жарроҳ соҳага оид кашфиёт ва 4 та рационализаторлик тақлифларини яратиб, 200 дан зиёд мақола ва битта қўлланманинг муаллифига айланди. "Эзофагопластика ҳолатида ошқозондан трансплантат шакллантириш усули" лойиҳаси Инновациялар гоялари, технологиялар ва лойиҳалар бўйича ўтказилган 3-республика кўргазмасида энг яхши лойиҳа деб топилди ва рағбатлантирилди. Эндилик ҳам ўз изланишларини изчил давом эттираётган олим ўзи каби юзлаб ёшларга меҳрур оқибат кўрсатган, уларнинг ҳаётдан муносиби ўрин эгаллашида ёрдамчини ҳеч қачон аямаган устозини тез-тез ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олиб туради.

"Беморларга бегона кўз билан қарама. Уларга доимо худди ўзининг ақлининг каби муносабатда бўл, меҳр кўрсат", дерди академик шифокор В.Воҳидов. Устознинг ўғилларига амал қилиб кам бўлмаган Зайниддин ака энди бу гапларни шоғирдларига уқтиради. Зеро, яхши гап ва меҳр-оқибат беморларни даволашнинг самарали воситаларидандир. У билан ёнма-ён ишлаётган, беморлардан ширин сўзи ва ёрдамчини аямаётган, инсон организмнинг

кизил ўнғач соҳасидаги касалликларни даволаб, одамларга наҳот бағишлаётган кўли энгил шифокорлар орасидан Олимжон Ғуломов ва Руслан Лиғай каби тиббиёт фанлари номзодлари етишиб чиқди. Улар эндиликда докторлик ишини ёқлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Устоз шифокор эса тиним билмайди. Вақт топди дегунча Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўқишга келган шифокорларга маъруза ўқишга ошмади. Улар орқали соҳадаги янгиликларни республика бўйлаб оммалаштиришга эришди. Дунё бўйлаб инсон организмнинг кизил ўнғач соҳасидаги касалликларни даволаш бўйича яратилаётган янгилик ва кашфиётлардан хабардор бўлиб боради. Тиниб-тинчимас олим 2005 йили Жанубий Африканинг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон хирурглари конгрессининг мажлисида маъруза қилди. Дунё хирурглари жамиятининг аъзоси бўлган ўзбекистонлик шифокор учун бундай халқаро анжуманда сўзга чиқиш катта шараф эди.

Феруз Назиров раҳбарлигидаги бу марказда ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчиликка ибрат бўлаётган шифокорлар орасидан Миржалол Зулфаров, Фазлиддин Баҳриддин, Ҳамидулла Абдумажидов, Ҳасимжон Абралов, Людмила Назирова каби Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреатлари етишиб чиқди. Соҳада мактаб яратган олим ва шифокор Зайниддин Низамходжаев эса Ўзбекистон Қахрамони бўлди. Ҳеч ким Қахрамон бўлиб туғилмайди. Йиллар давомида шаклланиб, бу олий мақомага эришди.

Бир неча соат давом этган жарроҳлик амалиётидан кейин беморнинг ҳолатини қайта-қайта текшириб, унинг соғайиб кетишига ўзида қатъий ишонч ҳосил қилган бу фидойий инсон билан учрашиб, бир

неча дақиқа суҳбатлашдик. Кўринишидан Зайниддин ака ўзини кўз-кўз қилишни ёқтиравермаслиги сезилиб турарди. Эришган барча ютуқларини оддий меҳнатнинг маҳсули эканлигига йўярди. Асли табиятан камтар, камгап, фақат ишини ўйлайдиган инсон учун бу хислати зийнат ҳам бағишларди. Меҳнат берган мартаба боис бугун эл орасида азизу муқаррам бўлиб юрган устоз шифокор билан суҳбатлашиб, шундай ҳулосага келдик: оддий одамларнинг ҳаёт тарзи ҳам оддий бўлади. Улар бошқаларга ўхшаб ортиқча мол-дунё орттириш, бой-бадавлат яшаш, қўлини қаерга узатса етадиган даражадаги қудрат соҳиби бўлишдан кўра эл қатори турмуш кечириб, ўзи ёқтирган ишлар билан шуғулланишни, эртаю кеч тинмай меҳнат қилиб, орзу-мақсадларига эришишни афзал кўради. Ҳузур-ҳаловатидан кечиб, янгиликлар яратиш, юртини гуллаб-яшатиш, элга наф келтиришга интилади. Ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан ҳеч қачон устун қўймайди. Каттаю кичикка доим бир хил муомалада бўлиб, улардан ширин сўзи, зарур ёрдамчини аямайди. Кўпчиликка яхшилик қилиб, меҳрини қозонади. Ана шундай фазилатлари эвазига Зайниддин Низамходжаев бугунги кунимизнинг етуқ кишиларидан бирига айланган бўлса ажаб эмас.

— Юртдошларимиз ҳаммаша соғ-омон бўлсин, — деди Зайниддин ака биз билан суҳбат махали. — Ҳеч ким касал бўлмасин. Ҳар биримизнинг ҳаётимизни соғлом турмуш безасин. Зарурат туғилгандагина биз шифокорлар яхши сўзимиз, касбий маҳоратимиз билан беморларимиз дардига малҳам бўлайлик.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ, "Adolat" муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

"СОҒЛОМ БОЛА — БАРКАМОЛ КЕЛАЖАК" мавзусида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун танлов эълон қилади

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қўйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- кам таъминланган оилалар фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;
- ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- «Бир болага етти қўшни ота-она» шiori остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустақамлаш;
- ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

1. Талабнома тақдим этилаётганлиги тўғрисида ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институти ҳамда давлат таъкилотли раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган қўшма кузатув хати;
2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳа талабномаси;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтгани ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланган фаолиятни талаб қилса лицензия нусхаси, Низом нусхаси киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар билан ташкилот муҳри тасдиқланган шаклда.
4. ННТ фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, давлат органи ва ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтига ўртасида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш бўйича тузилган шартнома-нинг нусхаси;
5. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтига ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш белгиланган ҳудудий ёки соҳавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг нусхаси.

6. Битта давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ажратиладиган маблағ миқдори — 25 млн. сўмга.

Ҳужжатлар 2014 йил 2 сентябрдан 3 октябргача ҳар куни соат 9-30 дан 18-00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтига иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент ш. Бунёдкор шoҳ кўчаси, 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Сўранг, жавоб берамиз!

Шаҳардаги ўзимга тегишли бўлган уйимни сотиш учун сингилмага ишончнома бермоқчи эдим, ушбу ишончнома қанча муддатта берилиши мумкин?

Е.Бердимуратов, Нукус шаҳри

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатта берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Беришган кунни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас, деб топилди.

Ишончнома берувчи томонидан ишончнома бекор қилинган тақдирда ишонччи вақилни хабардор қилиш шартми?

А.Аскарлов, Хўжайли тумани

Ишончнома берувчи томонидан ишончнома бекор қилинган тақдирда ишончнома берган шахснинг бу ҳақидаги аризасидаги имзосининг ҳақиқийлиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилади. Бу ҳақда реестрга ҳамда нотариал идорада сақланаётган ишончнома нусхасига белги қўйилади. Ушбу ариза ишончнома нусхасига ёки алоҳида йиғма жилдга тегиб қўйилади. Аризанинг иккинчи нусхаси ишонччи вақилни хабардор қилиш учун ишонч билдирувчига берилади.

Сингилм ҳали 18 ёшга тўлмаган, унга менинг номимдаги дўконни бошқариш, яъни сотиш ҳуқуқи билан нотариал тартибда ишончнома бера оламани?

М.Ережепова, Чимбой тумани

Вояга етмаган фуқароларга ўзингизга тегишли бўлган кўчмас мол-мулк билан боғлиқ бўлган ишончномани давлат нотариал идораларида расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Саволларга Нукус шаҳри 1-сон ДНИ нотариуси Мэлс НАРБАЕВ жавоб берди.

Премьера

Аёл — нозик ҳилқат соҳибаси, бетакрор нафосат ва гўзаллик тимсоли, айни пайтда метиндек мустаҳкам ирода эгаси. Ҳар бир аёл ўзига хос жозиба, тафаккур ва сирли дунёга эга.

Хўш, аёлнинг бахти нимада? Энг аввало, не-не машаққатлар билан дунёга келтирган фарзандининг табассуми, саломатлиги, дунё билан танишиш жараёнига бевосита гувоҳ бўлиш бахти насиб қилишида, десак, янглиш бўлмаса керак. Тақдирнинг бешафқат синови туйфайли боласи кўз ўнгидега камол топмаган аёл-чи? Аёл учун бундан бахтсизлик бўлмаса керак?..

Куни кеча Муқимий номидаги театрда илк намоиши ўтказилган "Осмонга сиймаган кўш" номли мусиқали спектаклнинг бош қахрамони — Курбоний ана шундай толедан бебахра қолган аёл. Кунлардан бир кун, юрагининг остида тирик жон борлигида бой-бадавлат, "Истадан жойга қўли етадиган", баднафс почаси Санжарнинг тажовузидан ҳимояланиш чо-

Аёлнинг бахти нимада?



гида одам ўлдиршидек жиноятга қўл уришга мажбур бўлган аёл. У энди қамқоқдагида дунёга келтирган боласини катта қилиш уёқда турсин, ҳатто овозини эшитишдан мосуво бўлади, аниқроғи ўз розилиги билан болани Меҳрибонлик уйига топширади.

Таниқли шоира Хосият Рустамованинг шу номдаги асари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов томонидан сахналаштирилган мазкур спектаклнинг ўзига хослиги шундаки, унда фақатгина аёллардан иборат санъ-

ган, бу сафар ҳам болани соғомон қилиш бахтига мушарраф бўла олмаган ёш келиннинг аянчли тақдирдан томошабинлар ачинишган бўлса, молдавлат, машхуриятка эришиш йўлида иймони, ор-номус, иф-фатини йўқотган, энгилтабиат кўшиқчининг ўзини "юлдуз" деб ҳисоблаб, бошқаларни мазах қилиши, ҳомиласи остидаги бўлажак боласини хали узок йиллар жонини ҳиклдогоғи келтирувчи "матох" деб аташи уларнинг нафратини уйғотади. Ҳар бир инсоннинг тақдиридан шов-шувга сабаб бўлувчи, ўқувчиларнинг қизиқшини оширувчи мақолага "қизикарили мавзу" изловчи, "фиску-фалсоф" гийбатни ўз фаолиятининг асосига айлантириб олган калтабин журналист келиннинг ҳаракатлари эса томошабинларни ҳам қулдиради, ҳам ўйлантиради.

Асарнинг бош қахрамони — Курбоний ҳаётдан, одамлардан кўнгли совиган, умидсизланган кунлардан бирда намунали хулқи учун муддатидан илгари қамқондан озод этилади ва яхши инсонлар ёрдамида турмушини ўнглаб олади. Курбо-

ной ўзига муносиб иш жойи, уйига эга бўлгандан сўнг боласини ташлаб кетишга мажбур бўлган туғруқхонага қайтиб боради ва шифохона бош шифокорига фарзанди қаерда эканини билгани келганини, ўзи билан олиб кетиш ниятида эканини, ҳеч бўлмаганда узоқдан бўлса ҳам қўришни хохлаётганини айтади. Бош шифокор аёлга астойдил раҳми келганидан, қонунга зид бўлса-да, боласининг қаерда эканлигини айтгани, она боласини топганлиги спектакл сўнги саҳнасида болаларнинг янграган овозидан маълум бўлди.

Мазкур спектаклда қахрамонлар ички кечинмаларини янада очирок ифодалаш учун турли хил жанрли кўшиқлар янграгани асарнинг жозибадорлигини орттирди. Ҳар қандай вазиятда ҳам умидсизликка тушмасдан бор куч-ғайратини оиласига, жамиятга наф келтиришга сарфлаган хотин-қизларимиз ҳаётда ўз ўрнини топиши муқаррар.

А.Йўлдошев

ADOLAT
 ижтимоий-сиёсий газета
 Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Давором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зукра БОТИРОВА, Мамазоир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибиёт — 288-46-64 (144).
 Набатчи муҳаррир — Қахрамон Қўлошев. Набатчи — Ғуломжон Хидиров.

«Adolat»дан қўчириб босиш таҳрират рұхсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлагани билан КўРСАТКИЧИ: 100

Таҳрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ISSN 2073-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Қўлоғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 900. Аадад — 5842. Босишга топириш вақти — 22.40. Босишга топириши — 00.00

1 2 3 4 5 Баҳоси келтирилган нархда